

**БУХОРО АМИРЛИГИДА РУС ВА МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИ
МУНОСАБАТЛАРИГА НАЗАР
(XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИ)
<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-37>**

**Нормуродова Гўзал,
тарих фанлари номзоди
Самарқанд давлат университети**

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Бухоро амирлигидаги рус манзилгоҳлари аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ёритилиш баробарида, уларнинг маҳаллий аҳоли билан муносабатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Бухоро амирлиги, рус манзилгоҳлари, рус аҳолиси, ижтимоий-иқтисодий аҳвол, ҳамжихатлик муносабатлари.

**ВЗГЛЯД НА ВЗАИМООТНОШЕНИЯ РУССКОГО И МЕСТНОГО
НАСЕЛЕНИЯ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА
(КОНЕЦ XIXи НАЧАЛО XX ВЕКА)**

**Нормуродова Гузаль,
Кандидат исторических наук
Самаркандский государственный университет**

АННОТАЦИЯ

Статья анализирует социально-экономическое положение населения русских поселений в Бухарского эмирата. А также, освещены взаимоотношения между русскими и местным населением.

Ключевые слова: Бухарский эмират, русские поселения, русская населения, социально-экономическое положение, взаимоотношения.


**A LOOK AT THE RELATIONSHIP BETWEEN THE RUSSIAN AND
LOCAL POPULATION OF THE BUKHARA EMIRATE**

**Normurodova Guzal,
candidate of Historical Sciences
Samarkand State University**

ANNOTATION

The article analyses social-economical position of Russian settlements in Bukhara Emirate. Also, it reveals the interactions between the Russians and local population.

Keywords: Bukhara Emirate, Russian settlements, Russian people, social-economical position, agreedly relations.




XIX аср охири XX аср бошларига келиб Бухоро амирлиги аҳолисининг таркиби миллий ва ижтимоий жиҳатдан ранг-баранг ҳолатда бўлиб, бу амирликнинг нафақат маҳаллий худуди, балки рус манзилгоҳларида яққол ифодасини топган эди. Бундай ранг-баранг ижтимоий тузилма асосида амирликнинг анъанавий табақаланиши ҳамда Россия империяси жамиятига хос табақаланишни ифода этган аҳоли ижтимоий қатламлари ўрин олган эди. Эътиборли томони, бу даврда амирликда яшаган рус ва маҳаллий аҳоли қатламлари ўзаро янгича ҳамжиҳатлик, байналминаликка асосланган муносабатлар олиб бордилар. Бундай тарихий муносабатларнинг аҳамияти очиб бериш, ҳозирги даврда ҳар иккала халқнинг бағрикенглик муносабатларини давом эттиришида муҳим ўрин тутди.

Илк бор рус фуқароларини амирлик худудига кириб келиши ва жойлашиши ҳуқуқлари Бухоро-Россия ҳукуматлараро келишувларида ўз ифодасини топган эди. Хусусан, 1873 йил сентябр ойида ҳар иккала давлат ўртасидаги “Дўстлик” келишувида белгиланганидек, рус фуқаролари амирлик худудида амирлик ҳукумати ёки унинг фуқаролари билан шахсий келишувлар орқали, савдо омборхоналар, саноат корхонлари, дўкон ва уйлар ва бошқа турдаги кўчар ва кўчмас мулкларни қўлга киритиши мумкин бўлган [1, 25]. Каспийорти темирўлининг қурилиши Россия-Бухоро алоқаларини мустаҳкамлаб, савдо муносабатларини тез суръатларда ривожлантирган бўлса, бошқа томондан амирлик худудига келувчи рус фуқаролари сони ортиб борди. Натижада, Янги Бухоро (Когон), Янги Чоржўй, Карки, Термиз, Амиробод, Фароб, Сарой кабирус манзилгоҳлари вужудга келди.

1898 йилда амирлик бўйича аҳоли рўйхатида кўра 12.150 та рус фуқаролари ҳисобга олинган бўлса, XX аср бошларига келиб империя ҳукуматининг сиёсий ва иқтисодий таянчи ҳисобланган мазкур рус манзилгоҳларида 50 мингга яқин рус фуқаролари (ҳарбийларни ҳисобга олмаганда) истиқомат қилган [2, 12]. Темирўл станциялари жойлашган Фароб, Қизилтепа, Зиёвутдин ва бошқа манзилларда ҳам руслар яшаган. Шунингдек, руслар Эски Бухорода 6 минг, Карманда 1,5 минг ва Қаршида 800 киши сонини ташкил этган [3, 22]. Кейинчалик, бу рус манзилгоҳларида рус фуқаролари билан биргаликда маҳаллий аҳоли сони ҳам ўсиб борди. Мазкур манзилгоҳларда яшовчи аҳолининг ижтимоий ва миллий таркиби турлича бўлган қатламлар, табақаларни ўз ичига олган бўлиб, буларнинг жумласига дворянлар, руҳонийлар, гильдия савдогарлари, ҳарбийлар, шифокор ва ўқитувчилар, буржуазия вакиллари, турли тоифа ишчилар ва бошқалар бўлган.

Рус манзилгоҳларида истиқомат қилган аҳоли, асосан ўтроқ турмуш тарзини олиб бориб савдо, қисман деҳқончилик билан шуғулланган, бир қисми эса давлат ишларида банд бўлган. Таъкидлаш жоиз, манзилгоҳлар аҳолиси сони ортиб бориши сабабларидан бири, атрофдаги қишлоқ ва бекликлар аҳолисининг тирикчилик ғамида бу манзилгоҳларга келиб қолиши бўлган. Масалан, 1915 йилда Сарой шаҳрида 30 тани ташкил этган рус фуқаролари шу йилнинг ўзида 100 кишига етган. Бунга сабаб, атроф худуддаги Қўрғонтепа, Кўлоб ва Балжувон бекликларида яшаган қирғизлар паспорт орқали рус фуқаролигига ўтган [4, 4]. Аҳолининг маълум қисмини ҳарбийлар ташкил этган. Бухоронинг Афғонистон



билан чегарадош бўлганлиги ҳамда Англия ва Россия ўртасидаги зиддиятли муносабатлар натижасида рус ҳукумати томонидан 1886 йилданок Чоржўй ва Карки яқинида, 1897 йилдан эса Термиз яқинида рус қўшинлари жойлаштирилган [5,16].

Рус фуқаролари устидан назорат олиб боришда ҳукумат амалдорлари ва хизматчилар муҳим ўрин тутган. 1896 йилда Янги Бухоро, Янги Чоржўйда шаҳар бошқаруви ташкил этилиб, шаҳар бошлиғи лавозими жорий этилган, бу лавозим вазифасига бир вақтни ўзида илгариги ҳарбий бошлиқ мажбурияти ҳам юклатилган. Каркида эса фуқаролик ишлари асосан ҳарбий бошлиқ зиммасида қолдирилган. Умуман, Янги Чоржўй ва Карки шаҳри бошлиқлари ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича Туркистон ўлкаси уезд бошлиқларига, Янги Бухоро шаҳри бошлиғи эса ўз ҳуқуқи ва таъминоти бўйича Амударё бўлими бошлиғига тенглаштирилган. Янги Бухоро, Янги Чоржўй шаҳар бошлиқлари ва Карки шаҳри ҳарбий бошлиғи рус фуқароларини майда ножўя ҳаракат ва қулоқсизликлар учун жазога тортишга ҳақли ҳисобланган. Жиноят ва бошқа турдаги ножўя ҳаракатлар Самарқанд вилоят бошлиғига юклатилган [6, 20].

Йилдан-йилга мазкур манзилгоҳларда замонавий ижтимоий-иқтисодий аҳамиятдаги бинолар, иншоотлар қад ростлаб борган. Биринчи жаҳон уруши арафасида, масалан Чоржўйда 300 дан ортиқ савдо бинолари, 10 тадан зиёд заводлар (4 та пахта тозалаш, 1 та жун тозалаш, ғишт заводлари ва бошқалар), темир йўл устахонлари, Амударё флотилияси устахонлари, шунингдек давлат ва ижтимоий аҳамиятидаги бинолардан ҳарбий бошқарма, ғазначилик, рус мактаблари, амбулаториялар, почта-телеграф конторалари, божхона инспектори, полиция пристави девонхоналари, мировой суд камералари ва черковлар мавжуд бўлган [7.14].

Темир йўлларнинг қурилиши Бухоро амирлиги ва Россия ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига олиб келди ҳамда рус ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлди. Бу муносабатлар, бир томондан, савдо, саноат, ишлаб чиқариш каби соҳалардаги ҳамжиҳатликда намоён бўлса, бошқа томондан ҳар иккала халқнинг турмуш-тарзи, касб-кори ва машғулотларида интеграциялашувга олиб келди. Худудга кўчиб келган рус ва русийзабон аҳоли маҳаллий аҳолининг қишлоқ хўжалиги соҳасида орттирилган тажрибалари билан танишган, янги иқтисодий муносабатларга жалб этилган маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам улардан янги касб ва машғулотларни ўзлаштириб борганлар. Ўзаро иқтисодий муносабатларга фаол бўлган рус ва маҳаллий аҳоли вакилларининг савдо ва саноат корхонларида фаолияти кенгайиб борди. Масалан, 1915 йилда Сарой шаҳрида 31 та савдо дўконлари бўлиб, шунинг 15 таси бухоролик фуқароларга, 16 таси рус фуқароларига тегишли бўлган [8, 3]. Рус ва бухороликларнинг савдо алоқалари рус манзилгоҳларига туташ худудларда ҳам яққол кузатилган. 1906 йилда 2500-2600 минг кишидан иборат бўлган Сарой қишлоғида 23 та рус ва 35 та маҳаллий савдогарлар фаолият юритган. 3000 минг аҳолиси бўлган Қўрғонтепа шаҳрида 14 та рус ва 45 та маҳаллий савдогарлар ҳамда 10000 минг аҳолиси бўлган Кўлоб шаҳрида 50 тагача рус ва 150 тадан зиёд

маҳаллий савдогарлар фаолият юритган [9, 6].

Таъкидлаш жоиз, рус манзилгоҳлари билан бирга, амирликнинг бошқа худудларида ҳам рус ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги алоқалар ривожланиб борган. Рус қатламлари орасида шифокорлар роли айниқса сезиларли бўлди. Уларнинг нафақат рус, балки маҳаллий аҳолининг соғлом турмуш тарзини юритишига муносиб ҳиссаси бўлди. Уларни ижтимоий роли асосан шифохона, аптека, амбулатория пунктларининг очилиши билан ортиб борди. 1888-1891 йилда Бухорода амир ҳукуматининг маблағига шифохона очилган. Бу рус-тузем шифохонасида 2 та рус врачлари (аёл ва эркак) ишлаган [10, 52]. Бундай шифохоналар кейинроқ, Қарши, Душанбе ва Шаҳрисабз шаҳарларида ҳам қурилган.

Ҳисоб-китобларга кўра, XX аср 10-йиллар бошида умумий ҳисобда, амир томонидан рус манзилгоҳларидаги ижтимоий аҳамиятдаги ишлар ва алоқалар учун 1 млн. 706.500 рубл маблағ ажратилган [11, 36]. Буларнинг жумласига, мактаб, шифохона, амбулатория кабиларни таъмирлаш, қурилишлар, хизматчилар иш ҳақи, нафақалар ва бошқалар кирган. Албатта, буларнинг барчаси амир ва рус ҳукумати ўртасида йўлга қўйилган келишувчилик муносабатлари натижаси эди. Эски Бухорода қўшбеги ва Янги Бухорода сиёсий агент ўртасида телефон алоқаси ўрнатилган бўлиб, баъзи масалалар ана шу алоқа орқали ечим топган.

Амирликда рус ва маҳаллий фуқароларининг ўзаро ижтимоий-сиёсий ҳаракатлардаги фаоллиги Россиядаги инқилоблар билан ҳамоҳанг ривожланди. Айниқса, 1905-1907 йиллардаги биринчи рус инқилоби бошқа ўлкалар сингари амирликда ҳам демократик ҳаракатлар ривожига катта таъсир кўрсатди. Демократик ҳаракатларнинг шаклланишида асосан амирликдаги рус манзилгоҳлари бўлган Янги Бухоро (Когон), Чоржўй, Термиз, Қарши ва Эски Бухородаги рус ижтимоий қатламларининг ҳиссаси катта бўлди. Демократик ҳаракатларда пахта тозалаш заводи, ёғ ва ғишт заводи ишчилари, темирйўлчилар ва Амударё флотилияси шу билан бирга гарнизон ва чегараларда хизмат қилаётган солдатлар сингари қатламлар иштирок этди. Улар асосан иш ташлаш, кўзғолонлар уюштириб, иш вақтини камайтириш, иш ҳақини ошириш ва бошқа турдаги ижтимоий ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб чиққанлар. Дастлабки бундай ҳаракатлар 1905 йилда Чоржўй, Янги Бухорода бўлиб ўтиб бу ерда кўзғолон кўмиталари ташкил этилган [12, 148].

Эътиборли томони шундаки, бундай демократик ҳаракатларда илк бор маҳаллий аҳолининг ҳам иштироки ва фаоллиги кузатилди. Хусусан, адабиётларда Чоржўй, Сарой, Янги Бухоро ва бошқа шаҳарларда кўтарилган шундай ҳаракатларда рус ишчилари, хизматчилари қаторида маҳаллий ўзбек, тожик ва туркман ишчилари қатнашганлиги эътироф этилади [13, 30]. Россияда 1917 йил февралдаги инқилоб Бухоро амирлиги ижтимоий-сиёсий ҳаётига янада сезиларли таъсир кўрсатди. 1917 йил март ойида Янги Бухоро, Чоржўй, Термизда кўп сонли аҳоли ижтимоий қатламлари иштирокида митинглар бўлиб ўтади. Мазкур манзилгоҳларда Муваққат ҳукуматнинг Ижроия кўмиталари сайланади. 1917 йил ноябрида большевикларнинг қуролли ҳаракати натижасида Муваққат ҳукуматнинг Туркистон кўмитаси ҳам ағдарилади ва ҳокимият советлар

қўлига ўтади. Бу инқилобий кураш амирликнинг рус манзилгоҳларида ҳам рўй беради. Натижада, 1917 йил декабрда Янги Бухорода ҳокимият ишчи, солдат ва крестьянлар советлари қўлига ўтади. Худди шундай Чоржўй, Термиз, Каркида ҳам ҳокимият советлар қўлига ўтган [14, 54].

Шундай қилиб, амирлик худудида темирйўллар қурилиши, рус капиталининг кириб келиши натижасида Россия ва Бухоро амирлиги ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тез суръатларда ривожланиб борди. XIX аср охирига келиб темир йўллар ва пароход пристанлари бўйлаб вужудга келган рус манзилгоҳлари Россия ҳукуматининг сиёсий ва иқтисодий таянч манзилгоҳлари сифатида муҳим рол ўйнади. Бу манзилгоҳларнинг рус аҳолиси орасида айниқса, шифокорлар, ўқитувчилар, ишчилар амирликнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида фаол бўлишган. Савдо, саноат, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда рус ва бухороликлар ўзаро ҳамжиҳат муносабатлар олиб боришган. Агар рус аҳолиси маҳаллий аҳолидан қишлоқ хўжалиги соҳаларида орттирган тажрибалар билан танишган бўлса, янги товар-пул муносабатларига тортилиб борган маҳаллий ҳоли қатламлари улардан янги касб ва машғулотларни ўзлаштириб борган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. РИ ТСА (Россия империяси Ташқи сиёсат архиви), 147-фонд, 486-рўйхат, 46-иш, варақ 25.
2. Фомченко А.П. Русские поселения в Бухарском эмирате. – Т., 1958. - С. 12.
3. Ишанов А.И. Создание Бухарской Народной Советской Республики. – Ташкент, 1955. -С.22.
4. ЎзР МДА (Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви), И-3-фонд, 1-рўйхат, 875-иш, варақ 4.
5. Фомченко. Русские поселения в Бухарском эмирате. – Т., 1958. –С.16.
6. РД ХТА (Россия давлат Ҳарбий-тарихий архиви), 400-фонд, 1-рўйхат, 1821-иш, варақ 20.
7. Фомченко А.П. Русские поселения в Бухарском эмирате. – Т., 1958. - С. 14.
8. ЎзР МДА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 875-иш, варақ 3 нинг орқаси.
9. ЎзР МДА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 875-иш, 6-варақ.
10. ЎзР МДА, И-3-фонд, 2-рўйхат, 22-иш, 52-варақ.
11. РД ХТА, 400-фонд: Главный штаб Азиатская часть, 1-рўйхат, 4057-иш,36-варақ ва унинг орқаси.
12. Тухтаматов Т.Г. Россия и Бухарский эмират в начале XX века. – Душанбе: Ирфон, 1977. – С.148.
13. Рашидов У., Рашидов Ў. Бухоронинг Россия билан иқтисодий ва сиёсий муносабатлари тарихидан (1900-1925 йиллар). – Бухоро, 2013. – Б.30.
14. Ишанов А.И. Создание Бухарской Народной Советской Республики. – Ташкент, 1955. –С.54.